



ЖАЗОДАН ОЗОД ҚИЛИШ ИНСТИТУТИНИ ТАКОМИЛЛАШТРИШ БҮЙИЧА МИЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

Эшқуватов Бобомурод Аброр ўғли

Жиноят ҳуқуқи, криминология ва коррупцияга
қарши курашиб кафедраси ўқитувчиси
Тошкент давлат юридик университети
<https://doi.org/10.5281/zenodo.7036663>

ARTICLE INFO

Received: 25th August 2022

Accepted: 27th August 2022

Online: 31st August 2022

KEY WORDS

Жазо, жазодан озод қилиш, суд, амнистия, афв, жавобгарликдан озож қилиши.

Ўзбекистон Республикаси кодексининг Умумий қисми нормалари билан бир қаторда Махсус қисми нормаларида ҳам жазони ўташдан озод қилиш билан боғлиқ айrim нормалар белгилаб қўйилган. Маълумки, жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги тамойилларига қатъий амал қилиниши лозим. Айбдор шахсга нисбатан тайинланган жазо чораси адолатли ва унинг ахлоқан тузалиши, янги жиноят содир этишининг олдини олиши учун зарур ҳамда етарли даражада бўлиши керак.

Хорижий мамлакатларга диққат қаратадиган бўлсак, хорижий мамлакатларда ҳам жиноий жазодан озод қилиш тажрибалари Ўзбекистоннинг қонунчилигида келтирилган жазодан озод қилишга ўхшаб кетади. Бунга сабаб эса, ҳар бир давлат ўз қонунчилигини яратадиганда

ABSTRACT

Уибу мақолада жазодан озод қилиш институти тушунчаси, келиб чиқиши тарихи, ҳуқуқий аҳамияти, турлари ҳамда қўлланилиш доираси ҳақида фикр юритилади.

Бундан ташқари, тадқиқот ишида ривожланган хорижий давлатлар қонунчилигида жазодан озод қилишининг ўзига хос томонилари ва миллий қонунчилигимизга имплементация қилиш масалари ёритилган.

биринчи навбатда “Халқаро ҳуқуқнинг” умумеътироф этилган қоидаларига юзланади. Бунда улар чет эл тажрибаларини ўрганади ва давлатнинг ўз миллий анъаналарига асосланган ҳолда ўзи учун керакли бўлган қоидаларидан фойдаланган ҳолда, қонунчиликни яратади ва унга ўзгартиришлар киритадилар. Мисол учун хорижий мамлакатлардан Германия, Франсия, Швейцария, шунингдек, МДҲ мамлакатларидан Россия Украина, Озарбайжон ва Беларуссия мамлакатларининг жиноят ҳуқуқида жиноят ва жиноят протессуал қонунчилигига асосан, Жиноят кодекси махсус қисмининг тегишли моддасида назарда тутилган жиноятларни содир этган шахслар, амалда пушаймон бўлсалар, ушбу шахсларнинг жавобгарликдан ва жазодан озод бўлиши мумкинлиги тўғрисидаги қоидалар келтириб ўтилган . Келтирилган давлатлардаги жазодан



озод қилиш бўйича қоида Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида ҳам мавжудлигини кўриб чиқдик. Шунга асосан, давлатларнинг қонунчилиги бир-бириникига ўхшаб кетади. Фарқли жиҳатлари ҳам бўлиши мумкин, лекин ушбу фарқ унчалик кўп бўлмайди. Ушбу ўхшашликларни Германия қонунчилиги мисолида кўриб ўтамиш.

Мисол учун Германиянинг Жиноят кодексига мурожат қилинадиган бўлса, Германия Жиноят кодексининг 56-моддасига асосан, маҳкум агарда Жиноят кодексининг тегишли моддасида назарда тутилган бир йилдан кўп бўлмаган, озодликдан маҳрум қилиш жазосига хукм қилинадиган бўлса, суд маҳкумни огоҳлантиради ва унга нисбатан жазо тайинламасдан шартли синов белгилаши ва жазонинг ижросини тўхтатиб қўйиши мумкинлиги айтиб ўтилган. Бунда маҳкумнинг қанча жиноят содир этганлиги, маҳкумнинг шахсияти, унинг ўтмишдаги ҳаёти, қилмишининг ҳолати, ҳозирги қилган ҳаракатларидан кейинги хатти-ҳаракатлари, унинг яшаш шароити ва тўхтатиб туриш натижасида кутилаётган таъсирларни ва бошқаларни инобатга олган ҳолда маҳкумга нисбатан шартли синов белгиланиши ва жазонинг ижросини тўхтатиб қўйиш мумкинлиги ҳақида қоидалар келтириб ўтилган.

Германия Жиноят кодексининг 56-моддаси 2-қисми 1-бандига асосан, суд маҳкумнинг қилмиши ва шахси айбланганидан кейин алоҳида ҳолатлар мавжуд бўладиган бўлса, икки йилдан ошмайдиган юқори суд хукмнинг ижросини тўхтатиши мумкин деб келтириб ўтилган. Бунда яна қарор

қабул қилинаётганда, маҳкумнинг жиноят оқибатида етказилган зарарни қоплашга қаратилган ҳаракатлари ҳам ҳисобга олиниши лозим ҳисобланади. Германияда маҳкумларга бериладиган синов муддатининг давомийлиги беш йилдан ошмаслиги ва икки йилдан кам бўлмаслиги лозимлигини судлар белгилаб бериши ва уларнинг қанча муддат тайинланишни ҳам судялар мустақил амалга оширишлари айтиб ўтилган.

Германия Федератив Республикасининг Жиноят кодекси 79-моддаси, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексининг 69-моддасида келтирилган жазони ижро этиш муддатининг ўтиб кетганлиги муносабати билан жазодан озод қилишга мосдир. Ушбу моддага асосан, жиноят содир этган шахсга нисбатан жазо чоралари даъво муддати ўтиб кетгандан кейин қўлланилмаслиги келтириб ўтилган. Даъво муддатлари қуидагилар ҳисобланади:

- ўн йилдан ортиқ озодликдан маҳрум қилишга хукм қилинганларга нисбатан – ўигирма беш йил;
- беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилинганларга нисбатан – ўигирма йил;
- бир йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилинганларга нисбатан – ўн йил;
- бир йилгача озодликдан маҳрум қилинадиганлар ва кунлик ўттиз бараваргача миқдорда жарима солинадиганларга нисбатан – беш йилгача;
- бошқарув назорати ва қамоқقا олишнинг бошқа ҳолатлари бўйича – беш йил;
- бошқа чоралар бўйича – ўн йил.



- қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси вақт билан чекланмаган.

Германия Жиноят кодексида муддат ўтганлиги сабабли жазодан озод қилиш муддатлари юқорида пастга қараб, оғирдан енгилга томон борар экан. Бизнинг Жиноят кодексимизда эса енгилдан оғирга қараб бориш белгилаб қўйилган. Бундан ташқари Германия Жиноят кодекси 79-моддасида жазоларнинг бошқа турлари бўйича ҳам жазодан озод қилиш муддатининг ўтиши сабабли жазодан озод қилиш белгилаб қўйилган экан. Бироқ Германия қонунчилиги бўйича маҳкумларни муддат ўтганлиги муносабати билан жазодан озод қилишда, ўтадиган муддат жуда кўп эканлигини кўриб чиқдик. Бу эса қонунчиликда маҳкумларнинг ахволини оғирлаштиришга хизмат қилиши мумкин. Аммо, уларнинг қонунчилигида жазога тортиш муддатларининг ўтишида, жарима ва бошқа чораларга нисбатан ҳам муддат белгилаб қўйилганлиги диққатга сазовордир.

Агарда қамоқ жазоси ва жарима жазоси бир вақтнинг ўзида тайинланса, ёки жазога қўшимча равища озодликдан маҳрум қилиш, мусодара қилиш каби ҳолатлар мавжуд бўладиган бўлса, битта ҳукм ёки чоранинг ижро этилиши, бошқаларига нисбатан олдинроқ тугайди. Бироқ, бир вақтнинг ўзида тайинланган эҳтиёт чораси жазо ёки бошқа чораларнинг ижро этилишини чеклаш муддатига тўсқинлик қилмайди .

Даъво муддати суднинг қарори қонуний кучга кирган вақтдан бошлаб ҳисобланади.

Баъзи давлатларнинг Жиноят кодексларида ҳукмларни ижро этиш муддатини узайтириш белгиланган. Шу билан бирга Германия Федератив Республикаси Жиноят кодексининг 79-моддаси қоидаси диққатга сазовордир. Унга кўра, суд муддати тугашидан олдин, агарда судланувчи у амалга ошириб бўлмайдиган жойда бўладиган бўлса, (яъни, яширинадиган, бўйин товладиган бўлса) жазони ижро этадиган органнинг илтимосига асосан, суд муддати тугашидан олдин, қонунда белгиланган муддатнинг ярмига узайтирилиши мумкинлиги белгилаб қўйилган . Бизнинг қонунчилигимизда эса ушбу муддат икки баробарга ошиши келтириб ўтилган. Ушбу қоидадан наъмуна олиб суд-ҳуқуқ амалиётини такомиллаштириш лозим.

Россия Федерацияси ва Швецария мамлакатларида маҳкумларни жазодан озод қилишда, уларнинг амалда чин кўнгилдан пушаймон бўлганлиги муҳим аҳамиятга эга бўлиб, маҳкумларнинг пушаймонлик ҳаракатлари қуидаги ҳаракатлар билан ифодаланади:

- содир этилган қилмишни давом эттиришдан ва жиноий қасдан воз кечиш;
- айбини бўйнига олган ҳолда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилиш;
- жиноятни очиб бериш, жумладан, бошқа иштирокчиларнинг жиноятни давом эттириш хавфини бартараф этишга ёки камайтиришга қаратилган хатти-ҳаракатлар;
- жиноят оқибатида етказилган зарарни қоплаш.

Россия Федерацияси Жиноят қонунчилигига қарайдиган бўлсақ, ушбу давлат Жиноят ҳуқуқи Ўзбекистон



Республикаси Жиноят хуқуқидан унчалик фарқ қилмайди. Россия Федерацияси Жиноят кодексининг 4-бумрбод озодликдан маҳрум қилиши жиноий жавобгарлиқдан ва жазодан озод қилиш ҳисобланади.

Жазодан озод қилишнинг қўйидаги турлари мавжуд:

- a) жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш (79-модда);
- b) жазонинг ўталмаган қисмини енгилроқ жазо тури билан алмаштириш (80-модда);
- c) вазият ўзгариши сабабли жазодан озод қилиш (80.1-модда);
- d) касаллик туфайли жазодан озод қилиш (81-модда);
- e) ҳукмни кечиктириш (82-модда);
- f) гиёхванд моддаларни истеъмол қиласидиган шахс томонидан жазони кечиктириш (82.1-модда);
- g) суд ҳукми муддати тугаши муносабати билан жазони ўташдан озод қилиш.

Россия Жиноят кодексида ҳам Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексидаги каби амнистия актини қўллаш масалалари келтирилган. Аммо Россияда амнистия актини қўллаш жазодан озод қилиш турларида саналганлар билан эмас, амнистия актини қўллаш масалалари бўйича алоҳида боб қилиб киритилган экан.

Амнистия ва афвни қўллаш Россия Федератсиясида ҳам бизнинг мамлакатимизда бўлагнидек амалга оширилар экан. Амнистия акти Россияда Федерал Мажлиснинг Давлат Думаси томонидан эълон қилинар экан. Афв этиш эса бизда бўлгани каби давлат Президенти томонидан белгиланган шахсларга нисбатан қўлланилар экан.

Россия Федерацияси Жиноят кодексининг 79-моддаси жазони ижро этишни муддатидан илгари шартли озод қилиш ҳисобланади. Унга асосан, жазони интизомий ҳарбий қисмда ўтаётган, мажбурий меҳнат ёки озодликдан маҳрум қилиш жазоси суд томонидан тайинланган шахснинг, жазони тўла равишида бажариш шарт эмаслиги ва етказилган заарнинг (тўлиқ ёки қисман) ўрни қопланган тақдирда муддатидан олдин озод қилинади. Унга нисбатан тайинланадиган қўшимча жазо ҳам суднинг қарорига асосан, тўлиқ ёки қисман озод этилиши белгилаб қўйилган.

Рус ҳуқуқшунос олималари дат Барсукова Светлана Геннадевна Россия жиноят кодексининг 79-моддаси тўртинчи қисм билан тўлдириш ҳақида қўйидагича таклиф берганлар:

Агарда маҳкум икки ёки ундан ортиқ жиноят содир этганлиги учун жазони ўтаётган бўлса, уларданн биттаси учун суд томонидан тайинланган жазонинг камидан учдан икки қисми ёки тўртдан уч қисми амалда ўтаб бўлгандан кейин, бошқаси учун эса жазонинг камидан ярмини ўтаб бўлгандан кейин қўлланилиши мумкин .

Жиноят қонунининг олдида турган мақсадларга баъзи ҳолларда жазонинг ҳақиқий ижросини амалга оширмасдан эришиш мумкин. Бунинг учун жазони ҳақиқатдан ижро этмасдан, шартли равишида ҳукм қилиш кифоя бўлади .

Шартномадан муддатидан илгари шартли равишида озод қилиш фақат маҳкум:

- енгил ёки ўртача оғирлиқдаги жиноят учун тайинланган ҳукмнинг камидан учдан бир қисми;



- оғир жинояти учун тайинланган ҳукмнинг камида ярми;
- ўта оғир жиноят учун тайинланган жазо муддатининг камида учдан икки қисми, шунингдек, муддатидан илгари шартли равишда озод қилинган шахсга нисбатан тайинланган жазо муддатининг учдан икки қисми;
- вояга етмаганларнинг жинсий дахлизлигига қарши жиноятлар учун, шунингдек, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва уларнинг прекурсорларининг ноқонуний айланиши билан боғлиқ жиноятлар учун, шунингдек, 205, 205.1, 185-моддаларида назарда тутилган жиноятлар учун тайинланган жазонинг камида тўрттан уч қисми;
- ўн тўрт ёшга тўлмаган вояга етмаганларнинг жинсий дахлизлигига қарши жиноятлар учун чиқарилган ҳукмнинг камида бешдан тўрт қисми ўталгандан кейин кўлланилиши мумкинлиги белгилаб қўйилган.

Маҳкум учун жазони ўташ муддати олти ойдан кам бўлмаслиги керак.

Россия Федерациясининг Жиноят кодекси 13.06.1996-йилдаги 63-ФЗ-сонли, Жиноят кодексининг 83-моддасига 2010-йилда 4-январда киритилган ўзгартиришларга асосан, жиноят содир этганликда айбланаётган шахс, агар суд ҳукми у кучга кирган кундан бошлаб қуидаги муддатларда бажарилмаган бўлса, жазони ўташдан озод қилиниши белгиланган:

- I. унча оғир бўлмаган жиноят учун - икки йил;
- II. ўртача оғир жиноят учун - олти йил;
- III. оғир жинояти учун - ўн йил озодликдан маҳрум этилган;

IV. ўта оғир жиноят учун - ўн беш йил озодликдан маҳрум этилган тақдирда кўлланилади.

Судловнинг даъвонинг муддати жиноят қонунида белгиланган муддат тугаши билан тугайди, шундан кейин ҳукм ижро этилмайди ва маҳкум унга тайинланган ҳукмдан озод этилади.

Россия Жиноят кодексининг 15-моддасида жиноятлар таснифланган. Унга кўра, уч йилгача қамоқ жазоси ижтимоий хавфи унча оғир бўлмаган жиноятлар тоифасига кириши белгиланган. Жазога тортиш муддатининг ўтишида эса, унча оғир бўлмаган жиноятларни содир этган шахсларга нисбатан, икки йиллик муддат белгилаб қўйилган экан.

Кўриниб турибдики, Россия Жиноят кодексида ҳам муддат ўтганлиги муносабати билан жазодан озод қилиш кўлланилади. Жазодан озод қилиш қоидасини ёзишда, жиноятнинг оғирлик даражасидан келиб чиқиб ушбу муддатлар келтирилган экан. Россиянинг муддат ўтганлиги муносабати билан жазодан озод қилиш муддатлари Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 69-моддасида келтирилган муддатларга нисбатан камроқ муддат белгиланган. Бу ҳам маҳкумларга берилган имкониятлардан далолат беради. Ўзбекистон Республикаси ЖК да белгиланган муддатларни ҳам иложи борича енгиллаштириш ва суд-ҳуқуқ амалиётини ислоҳ қилишда, енгиллаштириш қоидаларини қўллаш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида белгилангани каби, Россия Федерациясининг жиноят ҳуқуқида ҳам агарда маҳкум жазони ўташдан бўйин



тovлайдиган бўлса, муддатнинг ўтиши тўхтатиб турилар экан. Бунга асосан, маҳкум жазони ўташдан бўйин товлаши билан ўтган муддати жазога тортилишда ўтган муддат сифатида ҳисобга олинади.

Жазога хукм қилинган шахс жазони ижро этишдан бош тортмаган тақдирда, муддатларнинг ўтиши давом этади. Жазони ижро этишнинг энг кўп муддати – 15 йил. Бироқ Жиноят кодексининг 56-моддасида 30 йилгача қамоқ жазоси тайинланиши мумкинлиги белгиланган . Бундан шу нарса келиб чиқадики, жазоларни ижро этишда энг юқори даъво муддатидан ошиб кетмаслиги керак. Шунга асосан, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 69-моддаси билан солиштирадиган бўлсак, иккала моддалардаги мазмун бир хил ҳисобланади. Аммо икки мамлакат Жиноят кодексларида муддатлар давлатларнинг ўз андозаларига ва давлатларнинг ички қонун-қоидаларига асосан, жазодан озод қилишда белгиланган муддатлар турличалигини кўришимиз мумкин. Агарда маҳкум жазони ижро этишдан бўйин товласа, жазони ижро этишнинг чеклаш муддати тўхтатиб турилади. Бундай ҳолда, даъво муддати маҳкум ҳисбга олинган ёки айбига иқрор бўлган пайтдан бошлаб ҳисобланади. Жазони ўташдан бўйин товлашни бошлаган пайтнинг тугаши билан тугаган даъво муддати РФ Жиноят кодексининг 83-моддаси 2-қисмига асосан, чекланган муддатнинг ўтиши бошланади. Жазони ижро этишдан бўйин товлаш – жазони ижро этмаслик учун маҳсус мўлжалланган қасддан қилинган ҳаракат ҳисобланади.

Суднинг қонуний қучга кирган хукми турли хил ҳолатлар: маҳкумнинг узоқ вақт касал бўлиши, уруш, хуқуқни муҳофаза қиливчи органлар ходимларнинг бепарволиги ва бошқалар туфайли ҳам ижро этилмаслиги мумкин .

Агарда маҳкумга жазони ўташ кечиктирилган бўлса, даво муддати тўхтатилади. Ушбу ҳолатда, чеклаш даврида назарда тутилган ҳолатлар бартараф этилгандан кейин қайта тикланади.

Агарда маҳкум жазони ўташ муддати давомида янги жиноятни содир этадиган бўлса, янги жиноятни содир этган вақтдан бошлаб, янги муддатни ҳисоблаш бошланади. Ушбу муддат - жиноий жазога тортиш муддатини ҳисоблашдир. Жазони ўташ муддати давомида, янги жиноятнинг содир этилганлиги, жиноятчи шахсининг ижтимоий хавфилигини билдирганлиги сабабли, қонунда маҳкум томонидан янги қасдан содир этилган жиноятни содир этиш жазоси озодликдан маҳрум қилишни назарда тутувчи жазонинг ижро этилишини чеклаш муддатини бузиши белгилаб қўйилган .

Умрбод озодликдан маҳрум қилишга ёки умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазосига хукм қилинган шахсга нисбатан даъво муддатини қўллаш тўғрисидаги масала суд томонида ҳал қилинади. Агар суд эътиroz муддатини қўллаш мумкин деб ҳисобламаса, ушбу турдаги жазолар белгиланган муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан алмаштирилади .

Россия Жиноят кодексининг 83-моддасида умрбод озодликдан маҳрум қилишга ёки умрбод қамоқ жазосига



хукм қилинган шахсга кўрсатма беришнинг маҳсус тартиби тўғрисидаги қоидалар мавжуд. Ушбу ҳолатда маҳкумга нисбатан келтирилган жазолардан қайсинисини қўллаш суд томонидан ҳал қилинади. Агар суд эътиroz муддатини қўллаш мумкин деб ҳисобламаса, умрбод озодликдан маҳрум қилиш ёки умрбод қамоқ жазоси белгиланган муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан алмаштирилади. Агарда маҳкум битта жиноят учун жазога тортиладиган бўлса, у ҳолда, озодликдан маҳрум қилиш билан алмаштирилган жазо муддати 20 йилдан ошмаслиги керак. Маҳкумга нисбатан умрбод озодликдан маҳрум қилиш ёки озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаш биринчи галда, маҳкумнинг хулқ-авторига боғлиқ ҳисобланади. Чунки ушбу ҳолат маҳкумга нисбатан тайинланадиган жазо муддати ва миқдорини белгилаб беради. Россия Жиноят кодексининг 83-моддасидаги ушбу қоида диққатга сазовор экан. Чунки, муддат ўтганлиги муносабати билан умрбод озодликдан маҳрум қилишга ёки умрбод озодликдан маҳрум қилишга хукм қилинган шахсларни жазога тортиш муддатининг ўтганлиги муносабати билан озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштирилганда йигирма йилдан ошмайдиган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши аниқ белгилаб қўйилган экан. Бизнинг қонунчилигимизда эса бу ҳолатга қанча муддат берилиш мавхум қолган.

Шунингдек, ушбу моддада, Россия Жиноят кодексининг 205, 205.1, 205.3, 205.4, 205.5- моддаларнинг хатбошилари ва 206-моддаси, 211-

модда тўртинчи қисми, шунингдек, 353, 356, 357, 357 ва 361-моддалари ҳамда ушбу Кодексда келтирилган маҳбуслар учун 277, 278, 279 ва 360-моддаларда назарда тутилган террорчилик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ жиноятларни содир этганлик учун ушбу Кодекс талабларига асосан, уларга даъво муддати қўлланилмаслиги келтириб ўтилган. Ушбу айтилган қоидалар, Россия Федерацияси Жиноят кодексининг 83-моддасида назарда тутилган ҳолатлар бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 69-моддасида келтирилган қоидаларга мос эканлигини кўришимиз мумкин.

Қозоғистон Республикаси Жиноят кодексининг 77-моддасига асосан, жиноят содир этганликда айланган шахс, агар у суд ҳукми қонуний кучга кирган кундан бошлаб қуйидаги муддатларда бажарилмаган бўлса, жазони ўташдан озод қилинади:

- 1) жиноят содир этишда айлангани учун - бир йил;
- 2) унча оғир бўлмаган жинояти учун - икки йил;
- 3) ўртача оғирликдаги жинояти учун - беш йил;
- 4) оғир жинояти учун - ўн йил;
- 5) ўта оғир жинояти учун - ўн беш йил.

Қозоғистон Жиноят кодексида, Ўзбекистон Жиноят кодексининг 69-моддасида белгиланган ва умумий муддат ҳисобланган йигирма беш йиллик муддат, йигирма йилни ташкил этаркан. Олдин Қозоғистонда ҳам ушбу муддат йигирма беш йил бўлган. Шунингдек, 77-моддада санаб ўтилган муддатлар ҳам бунчалик қисқа бўлмаган.



Қозоғистон Республикаси Жиноят кодекси 77-моддасига 2018-йил 12-иүлдә киритилгандарга ўзгартиришларга асосан, қуйдагича янгилик киритилган.

- 77-модда биринчи қисмида иккинчи бандидаги “уч” деган сўз “икки” деган сўз билан алмаштирилсин;
- учинчи бандидаги “олти” деган сўз “беш” деган сўз билан алмаштирилсин;
- учинчи қисмдаги “йигирма беш” сўzlари “йигирма” сўzlари билан алмаштирилсин .

Бундан ташқари ушбу давлат Жиноят кодекси 77-моддасида маҳкум муддат ўтмасдан туриб янги жиноятни содир этадиган бўлса, даъво муддатининг ўтиши тўхтатилмаслиги ва узилмаслиги белгиланган экан.

Белоруссия Республикаси Жиноят кодексида ҳам муддат ўтганлиги муносабати билан жазодан озод қилиш белгиланган экан. Ушбу давлат Жиноят кодекасининг 84-моддасида судловни ижро этиш муддати тугаши муносабати билан жазодан озод қилишнинг муддатлари келтириб ўтилган. Бу моддага асоасан, agar шахс судланганлиги қонуний кучга кирган вақтдан бошлаб қуйидаги муддатларда

ижро этилмаган бўлса, асосий ва қўшимча жазолардан озод этилади:

- 1) озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган ҳукм чиқарилган тақдирда – бир йил;
- 2) ҳибсга олинган ёки икки йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум этилганлиги учун – икки йил;
- 3) беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум этилганлиги учун – беш йил;
- 4) ўн йилдан ошмаган муддатга озодликдан маҳрум этилганлиги учун – ўн йил;
- 5) ўн йилгача озодликдан маҳрум қилишдан кўра оғирроқ жазога ҳукм қилинганда ўн беш йил.

Бундан ташқари биз юқорида универсал муддат деб айтган йигирма беш йиллик муддатимиз, Белоруссияда ўн беш йилни ташкил қилас экан . Ушбу муддат Қозоғистонда йигирма йил эди. Хорижий мамлакатлардаги ушбу енгиллаштирилган қоидаларга асосан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 69-моддасини ҳам хорижий давлатлар кодексидаги ушбу қоидаларга мослаб енгиллаштириш лозим.

References:

1. Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёsat, мафкура. Т.1. – Тошкент.: Ўзбекистон, 1996.
2. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. - Тошкент: Ўзбекистан, 2010.
3. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз// Халқ сўзи. 2016.15 дек.
4. Мирзиёев Ш.М. Буюқ келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. Тошкент: Ўзбекистан, 2017.
5. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. //www.lex.uz//
6. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси (2019 йил 1 апрелгача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан. lex.uz).// www.lex.uz//



7. Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси (2017 йил 1 апрелгача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан)// [www.lex.uz//](http://www.lex.uz/)
8. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси. Инсон ҳуқуқлари. -Т.: Адолат, 2008. -Б.80.
9. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарорлари тўплами. -Т.: Шарқ, 2012. -Б.218.
10. Уголовный кодекс Республики Беларусь / Принят Палатой представителей 2 июня 1999 года. Одобрен Советом Республики 24 июня 1999 года / Предисловие проф. Б.В. Волженкина; Обзорная статья А.В. Баркова. – СПб.: Юридический центр Пресс, 2001. – С.472.
11. Уголовный кодекс Грузии / науч.ред. З.К. Бигвава. Вступ. статья к.ю.н., доц. В.И. Михайлова. Обзорн.статья д.ю.н., проф. О. Гамкрелидзе. Перевод с Грузинского И. Мермджанашвили. СПб.: Юридический центр Пресс, 2002. – С.409.
12. Уголовный кодекс Республики Казахстан / Предисловие министра юстиции Республики Казахстан, д.ю.н., проф. И.И.Рогова – СПб.: Юридический центр Пресс, 2001. – С. 466.
13. Уголовный кодекс Туркменистана. – СПб.: Юридический центр Пресс, 2001. – С. 266.
14. Уголовный кодекс Республики Таджикистан / Предисловие А.В. Федорова. – СПб.: Юридический центр Пресс, 2001. – С.410.
15. Уголовный кодекс Грузии / науч.ред. З.К. Бигвава. Вступ. статья к.ю.н., доц. В.И. Михайлова. Обзорн.статья д.ю.н., проф. О. Гамкрелидзе. Перевод с Грузинского И. Мермджанашвили. СПб.: Юридический центр Пресс, 2002. – С.409.